



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2026 йил 20 май, № 101 (9272)

Чоршанба Сайтимизга Утиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

АВТОМОБИЛСОЗЛИК САНОАТИДА РАҚОБАТ КУЧАЙТИРИЛИБ, МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ЧУҚУРЛАШТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 19 май куни автомобилсозлик саноатини ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва тармоқ рақобатбардошлигини оширишга қаратилган таклифлар тақдироти билан танишди.

Мамлакатимизда автомобилсозлик соҳаси ривожига катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Бу тармоқ юқори қўшилган қиймат, саноат кооперацияси, минглаб иш ўринлари ва экспорт имкониятларини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон автомобилсозлик саноати рақобат ва истеъмолчи манфаатига йўналтирилган мутлақо янги босқичга кўтарилди. Ўн йил аввал автомобил бозори деганда битта ишлаб чиқарувчи ва узоқ навбатлар тушунилган бўлса, бугунги кунда "Chevrolet", "BYD", "KIA" ва "Hyundai" каби йирик брендлар билан ҳамкорликда 5 та автомобил заводи фаолият юритмоқда.

Энг муҳими, бу ўзгаришларни аҳоли бевосита ҳис қилмоқда. Бозорда танлов кенгайди, узоқ навбатлар барҳам топди. Жорий

йилда автомобиль савдосига 20 та банк жалб қилиниб, автомобилларнинг 95 фоизи бўлиб-бўлиб тўлаш ва қулай кредит тизими орқали сотилди.

Айни пайтда қўшни давлатлар учун ҳам автомобиль ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш ривожланмоқда. Соҳа атрофида янги кооперация занжирлари шаклланиб, 10 мингдан ортиқ ёшлар замонавий технологиялар асосида ишламоқда. 300 дан зиёд корхоналар "Chevrolet", "KIA" ва "Hyundai" каби йирик брендлар билан ҳамкорликда 5 та автомобил заводи фаолият юритмоқда.

Энгил ва тижорат автомобилларини ишлаб чиқариш ҳамда йиғиш бўйича кўплаб лойиҳа

таклифлари келиб тушаётгани Ўзбекистонда қулай инвестиция муҳити ва юқори даромадли бозор шаклланаётганини кўрсатади. Шу билан бирга, ҳар бир лойиҳа бозор талаби ва иқтисодий самара асосида баҳолашни, асосий эътибор ташқи бозорларда рақобатбардош бўлишга қаратилиши зарурлиги таъкидланди.

Тақдироти "Volkswagen" автомобилларини ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳақида ахборот берилди. Режага кўра, биринчи босқичда Тошкент шаҳрида йирик узелли ишлаб чиқаришни бошлаш кўзда тутилган. Кейинги босқичда Ангрен эркин иқтисодий зонаси ҳудудида тўлиқ циклда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш ва экспорт бозорларига чиқиш режалаштирилган.

Бугунги глобал вазият автомобилсозлик соҳасига сезиларли таъсир кўрсатаётгани қайд этилди. Шу боис технологик мустақилликни таъминлаш, инновацияларни жорий этиш ва экспорт ҳамда логистика челловларига камроқ боғлиқ бўлган рақобатбардош миллий маҳсулотлар яратиш вақти келгани таъкидланди.

Бу борада Андижон ва Жиззахда замонавий муҳандислик мактабларини очилгани, ёш тадқиқотчилар ва муҳандислар шаклланаётгани, умуман, маҳаллий маҳсулотларни кенгайтириш ва яқини маҳсулот яратиш учун зарур интеллектуал салоҳият мавжудлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу мақсадда "Ўзавтосаноат" АЖ тизимида илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик фаолияти ривожлантирилиши белгиланди.

Соҳадаги яна бир катта имко-

ният — эҳтиёт қисмлар бозори экани таъкидланди. Шу муносабат билан эҳтиёт қисмлар бозорини тартибга солиш, маҳаллий маҳсулотлар улушини ошириш, сертификатлаш тизимини такомиллаштириш ва замонавий синов лабораторияларини ташкил қилиш зарурлиги қайд этилди. 2026 йил якунига қадар халқаро консалтинг компанияларини жалб қилган ҳолда автомобиль эҳтиёт қисмлар бозорини ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш вазифаси қўйилди.

Президентимиз автомобилсозлик саноати мамлакат иқтисодий-тининг стратегик тармоқларидан бири эканини таъкидлаб, соҳада рақобатни кучайтириш, маҳаллийлаштириш чуқурлаштириш, миллий муҳандислик мактабини ривожлантириш юзасидан аниқ топшириқлар берди.

Ў.А.

Биз ва жаҳон

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТ ВА БИРДАМЛИК

— ТУРКИЙ ДУНЁНИНГ ЯНГИ ДАВРДАГИ БОШ ФОРМУЛАСИ

Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) қардош халқларни бирлаштирган нобё институтга айланди. 2009 йилда кенгаш сифатида ташкил этилган ва 2021 йилда ташкилот мақомини олган мазкур тузилманинг халқаро нуфузи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Умумий майдони 4,25 миллион квадрат километр ва аҳолиси тахминан 160 миллион киши ҳисобланган ТДТ бугунги кунда туркий дунёнинг геосийсий таъсирини кучайтирувчи муҳим минтақавий бирликка айланганга кўз ўнгимизда намоён бўляпти.



Тузилманинг глобал жараёнлардаги роли кучайиб бораётгани бир пайтда унинг куч марказларидан бири сифатидаги салоҳиятини асословчи баҳолаш тобора кўпроқ янграмоқда. Бошқа давлатлар ҳам ташкилотга қизиқиш билдираётгани, улар билан мулоқот учун янги "ТДТ+" формати яратилаётгани, қизиқувчилар орасида АҚШ, Япония, Исроил, Хитой, Буюк Британия ва Украина борлиги фикримизни тасдиқлайди.

Шунингдек, сўнгги йилларда Туркий давлатлар ташкилоти барқарор ривожланиш суръатларини намойиш этаётгани нуфузли тузилмага айланди. Жумладан, 2025 йилда ТДТ давлатлари умумий иқтисодий салоҳияти 2,4 триллион доллардан ошди ва унинг динамикаси глобал ўсишдан икки баробар юқори бўлди. Утган йили Ўзбекистоннинг ТДТ мамлакатлари билан савдо айланмаси 14 фоиз ўсди. Жорий йилдан Туркий инвестиция жамғармаси операция фаолиятини бошлади. Марказий банклар кенгаши, "яшил" молиялаштириш бўйича Туркий кенгаш иши йўлга қўйилди.

Яқинда Қозоғистон ТДТнинг асосий мавзуси — "Сунъий интеллект ва рақамли ривожланиш" норасмий саммитига мезбонлик қилди. Ўзгариб бораётган дунё тартиби шароитида учрашув нафақат туркий ҳамжамият учун янги йўналишларни белгилашга, балки Марказий Осиё суверенитети

Илгари сурилган ҳаётини ташаббуслар

Туркистон шаҳрида бўлиб ўтган саммитда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ташаббуслар экспертлар ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотди. Мазкур таклифлар туркий дунёни аънавий логистика марказидан юқори технология инновациялар маконига айлантириш йўлидаги стратегик бурилиш нуқтаси сифатида баҳоланмоқда. Аввало, сунъий интеллект бўйича стратегик ҳамкорлик тармоғини шакллантириш ва "Рақамли туркий коридор" концепциясини яратиш ҳақидаги таклиф хавфсизлигини таъминлашга қаратилган.

Квант ҳисоблаш технологияларини жорий этиш эса туркий давлатларга катта маълумотлар (Big Data) билан ишлашда дунёнинг етакчи давлатлари билан рақобатлашиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

19 май куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.



Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари, Сенат ҳузуридagi Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалока тарзида ўтказилган ялпи мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг

"YouTube" тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Ялпи мажлисининг иккинчи иш куни "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига креатив иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун муҳокамасидан бошланди.

Таъкидланганидек, мамлакатимиз иқтисодиётини инновацион жиҳатдан ри-

вожлантиришни рағбатлантиришга, мазкур соҳадаги ижодий салоҳиятни иқтисодий қийматга айлантиришга ҳамда янги иш ўринларини яратишга, ёшлар ва тадбиркорларнинг ижодий ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, креатив иқтисодиётнинг изчил ривожлантирилишини таъминлаш ушбу соҳадаги субъектлар учун янада

қулай шарт-шароитлар, рағбатлантирувчи механизмлар яратишни ва имтиёзлар беришни тақозо этмоқда.

Қонун билан айрим қонун ҳужжатларига Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ҳамда Креатив индустрия парки резидентлари томонидан амалга оширилаётган лойиҳаларга жалб қилинган мутахассислар учун айрим солиқ имтиёзлари берилишини назарда тутувчи ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Жумладан, 2026 йилдан 2030 йилга қадар бўлган даврда чет эл контрагентлари қўшилган қиймат солиғи, тўлов манбаида фойда солиғи ва жисмоний шахслардан олинмайдиган даромад солиғини тўлашдан озод қилинади. Бунда ушбу имтиёз чет эл контрагентлари креатив индустрия соҳасига бевосита боғлиқ бўлган ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш учун жалб этилганда қўлланилиши белгиланмоқда.

➡ 2

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИ КАФОЛАТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ижтимоий-сийсий ҳаётига дахлдор масалалар, жумладан, судлар юкласини камайитиришга, Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига ўзгариш ва қўшимчалар киритишга, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини манзилли қўллаб-қувватлаш чораларини такомиллаштиришга, истеъмолчилар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтиришга қаратилган қатор қонун лойиҳалари атрофида кўриб чиқилди. Шунингдек, парламент назорати фаолиятига оид масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Низосиз ишларни ҳал қилиш осонлашди

Мажлисадa низосиз ишларни ҳал этиш тартиб-таомилларини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда модда-модда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Фуқаролик процессуал ва Иқтисодий процессуал

➡ 3

ИЖТИМОЙ АДОЛАТНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Давлатимиз раҳбарининг Боқудаги Бутунжаҳон урбанизация форумининг 13-сессияси доирасида ўтказилган Етақчилар саммитида сўзлаган нутқи ҳамда илгари сурган ташаббуслари Янги Ўзбекистоннинг урбанизация масаласига инсон қадрини, ижтимоий адолат ва келажақ авлодлар олдидagi масъулият асосида ёндашаётганини яна бир бор намоён этди.

Акс садо

Айниқса, Президентимизнинг "барча учун уй-жой" ғоясига ургу бергани партияимиз учун алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, муносиб уй-жой — шунчаки бошпана эмас. Бу инсон саломатлиги, фарзандлар таълими, оила барқарорлиги, меҳнат унвондорлиги, шунингдек, шахснинг жамиятда ўзини тўлақонли аъзо сифатида ҳис этиши билан бевосита боғлиқ ижтимоий ҳуқуқдир.

Нутқда келтирилган рақамлар ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг қўламини яққол кўрсатиб турибди. Сўнгги ўн йилда мамлакатимизда қурилаётган уй-жойлар сонининг бир неча баробар ошгани, арзон уй-жой дастурларига сезиларли маблағлар йўналтирилаётгани, 100 мингга яқин хо-

надонларга ҳуқуқий ҳужжатлар расмийлаштириб берилгани — буларнинг барчаси одамларнинг йиллар давомида тўпланиб келган ҳаётини муаммоларига амалий ечим топилаётганидан далолат беради.

Шу ўринда яна бир муҳим жиҳатни таъкидлаш лозим: урбанизация фақат пойтахт ёки йирик шаҳарларнинг ривожини билан чекланмаслиги керак. Давлатимиз раҳбарини томонидан илгари сурилган "мутаносиб урбанизация" тамойилини кенг жорий этиш ташаббуси айнан шу жиҳатдан алоҳида эътиборга эга. Бу кичик ва ўрта шаҳарларни ҳам замонавий инфратузилма, иш ўринлари, сифатли таълим ва тиббиёт хизматлари, қулай транспорт ҳамда бой маданий муҳит билан таъминлаш, худудлар ўртасидаги имкониятлар тафовутини камайитириш демакдир.

➡ 2

Хушхабар

Давлатимиз раҳбарининг халқаро майдондаги ташаббускорлиги, юртимиздаги қулай инвестициявий муҳит, шаффоқлик, барча соҳада рақамлаштиришнинг юқори даражада жорий қилинаётгани ўз самарасини бермоқда. Лондон фонд биржасида ўтказилган тантанали маросимда халқаро экспертлар, фонд бозорлари бўйича етакчи компаниялар раҳбарлари буни алоҳида эътироф этди.

Халқаро экспертларнинг таъкидлашича, кейинги беш йилда бундай катта микдордаги давлат активлари Лондон фонд биржасида қўйилмаган. Ўзбекистон ана шундай залварли қадам ташлади ва ўз активларини

халқаро биржа савдосига чиқарди. Мамлакатимиз Миллий инвестиция жамғармаси акцияларининг Лондон фонд биржасидан ўрин олиши юртимизнинг халқаро капитал бозорига интеграциялашувини янада тезлаштирди. Бу янгилик Лондон фонд биржаси ижрочи директори Жулиа Хоггест таърифи билан айтганда, Ўзбекистонда кейинги йилларда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш ва инвестиция муҳитини яхшилаш сиёсатининг ёрқин исботидир. Яна шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, бу шунчаки молиявий битим эмас, балки Ўзбекистоннинг янги тараққиёт модели — очик, рақобатбардош ва халқаро стандартларга йўналтирилган

иқтисодиётга ўтаётганини англатувчи тарихий қадам.

Шу ўринда савол туғилади: нега айнан Лондон фонд биржаси? Чунки бу ишончли ва глобал бозорда эътирофга лойиқ, дунё молиячиларининг диққат-эътиборида турадиган молиявий платформадир.

Тошкент ва Лондон фонд биржаларида бир вақтнинг ўзида савдонинг бошланиши ҳам маҳаллий, ҳам халқаро инвесторлар учун муҳим сигнал бўлиб хизмат қилди. Фонд акциялари савдонинг дастлабки кунларида кучли ўсишни кўрсатди. 13 майдаги дастлабки жойлаштириш нархи 25 доллардан 26 долларга, 14 майда 27,20 долларга ва 15 майда 27,25 долларга етди. Бир неча кун ичида кузатилган 10 фоизлик ўсиш бозорнинг Ўзбекистон активларига доимий қизиқишини намойиш этди. Инвесторларнинг таркиби, айниқса, аҳамиятли. "IPO"да дунёдаги энг йирик институционал акторлар — "BlackRock", "Franklin Resources", "Redwheel" ва

бошқа халқаро компаниялар қатнашди. Бундай институтлар одатда макро-иқтисодий барқарорлик, институционал сифат ва ўсиш истиқболларини батафсил таҳлилдан ўтказганидан сўн қарор қабул қилади. Уларнинг иштирокини Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларга ишончининг ортиб бораётганидан далолат сифатида кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари Саида Мирзиёева таъкидлаганидек, йирик халқаро инвесторларнинг "IPO"да иштирок этиши халқаро ҳамжамиятнинг мамлакат салоҳияти ва келажагига ишончининг ёрқин намойишидир. Чунки сўнгги йилларда амалга оширилган тизимли ислохотлар туфайли мамлакат иқтисодиёти уч баравар ошди, инвесторлар учун кафолатлар мустаҳкамланди ва Ўзбекистон халқаро капитал бозорида янада очик ва ишончли шерикка айланди. Ушбу тадбирнинг аҳамияти мамлакат чегараларидан анча ташқарида, дунё бўйича акс садо бермоқда.

➡ 3

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ



Сенат аъзолари ўз чиқишларида ушбу имтиёزلар фақат креатив соҳадаги иш ва хизматларга қўлланилиши соҳага хорижий мутахассисларни жалб этиш, лойиҳалар сифати ва ҳажмини ошириш ҳамда миллий креатив маҳсулотларни халқаро бозорга чиқариш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

Шунингдек, амалиётда креатив индустрия парки резидентга мақоми олиш учун субъектнинг бизнес режаси маъқуллиниши ва жами йиллик даромадининг камида 80 фоизи креатив соҳадаги фаолиятдан шаклланиши шарт этиб белгиланган. Қонун билан эса янги ташкил қилинган субъектлар учун бу талаб дастлабки босқичда қўлланилмаслиги, аммо молия йили якунларига кўра талаблар bajarилмаса, солиқ имтиёзлари қайта ҳисобланиши ва бюджетга ундирилиши белгиланмоқда.

Сенаторлар қайд этганидек, мазкур қонун креатив индустрияни қўллаб-қувватлаш, халқро ҳамкорлиқни ривожлантириш, халқро ва давлатлараро маданий тадбирларни самарали ташкил этиш ҳамда соҳада барқарорлик ва адолатли рақобатни таъминлашга хизмат қилади.

Сенаторлар қонунни маъқуллади. Шундан кейин "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, соҳага замонавий агротехнологияларни жорий этиш ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Қонун билан "Уруғчилик тўғрисида"ги ва "Ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қўрилган биналар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида"ги қонунларга Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агроекономика вазирлигининг номи аниқлаштирилиши н назарда тутуви ўзгартиришлар киритилмоқда.

Шунингдек, "Давлат божи тўғриси-

да"ги Қонунга Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агроекономика вазирлигининг агентлиги ўзининг ҳамда мева-сабзавотчилик йўналишидаги маҳсулот етиштирувчи, қайта ишловчи субъектлар, иссиқхона хўжалиқларининг ҳуқуқлари ва қўшимча манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий судларга берилган ариза, даъво ва шикоятлари юзасидан давлат божини тўлашдан озод этилишини назарда тутиви ўзгартириш ва қўшимчалар белгиланмоқда.

Сенаторлар томонидан қайд этилганидек, қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, аграр соҳадаги республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ялпит тизимини шакллантиришга хизмат қилади.

Муҳокама якунида сенаторлар қонунни маъқуллади. Сенатнинг ўн бешинчи ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг Янги тараққиёт банки тўғрисидаги Битмига (Фортеалеа, 2014 йил 15 июль) қўшилиши ҳақида"ги қонун муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, Битимнинг асосий мақсади — инвестиция фаолияти орқали иштироки давлатларнинг ўзаро савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларини кенгайтиришга қўмаклашиш.

Янги тараққиёт банкига аъзо бўлиш мамлакатимиз учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш, инфратузилма ва барқарор ривожланиш соҳаларидаги йирик лойиҳаларни молиялаштириш имкониятларини кенгайтиради.

Банк давлат ва хусусий сектор лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида кредитлар ажратиш, кафолатлар бериш ва инвестиция киритиш каби замонавий молиявий инструментлардан фойдаланади.

Сенаторларнинг фикрича, қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикасининг халқро молиявий институтлар билан ҳамкорлигини кенгайтириш, инвестицияларни жалб этиш ва иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилишга, шунингдек, мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш ҳамда инфратузилмани ривожлантиришга хизмат қилади.

Сенаторлар қонунни маъқуллади. Шунингдек, Сенатнинг ялпи мажлисида "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги қонун қўриб чиқилди.

Мазкур қонун билан ҳарбий хизмат-

га мажбурлар ва қақрилувчилар тўғрисидаги ахборотни реал вақт режимида идораларо интеграциялашув платформаси орқали алмашиш, ҳарбий рўйхатга олиш тизимини такомиллаштириш ҳамда сержантлар таркиби учун янги ҳарбий унвонларни жорий этиш назарда тутилган.

Қонуннинг бу каби қўллаб-қувватлаш хизматлари қарама-қарши, сенаторлар, мутасадди вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда экспертлар томонидан қонуннинг айрим нормалари амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига тўлиқ мувофиқ эмаслиги қайд этилди.

Хусусан, давлат органларининг ваколатлари, ҳарбий рўйхатни юритиш тартиби, идораларо ахборот алмашуви ҳамда фуқаролар ҳуқуқларига дахлдор айрим нормаларни қайта ишлаш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, қонун қабул қилиниши муносабати билан бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилиши лозим бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар етарлича таҳлил қилинмагани қайд этилди.

Сенаторлар бу каби ҳолатлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиши, ҳуқуқни қўллаш амалиётида қийинчиликлар туғдириши мумкинлигига эътибор қаратди.

Сенаторлар қонунни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлисида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Ш. Ҳидоятова қурилиш соҳасида коррупциянинг олдини олиш қонунчилигига риоя қилиш юзасидан парламент сўрови юбориш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, Янги Ўзбекистонда қурилиш соҳаси иқтисодиётнинг драйвери сифатида белгиланиб, соҳани рақамлаштириш, очиклик ва шаффоқлиқни таъминлаш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, соҳада инсон қадрини улуғлашга ва қонун устуворлигини таъминлашга, коррупция ва манфаатлар тўқнашуви борараф этишга тўқтинлик қилаётган айрим тизимли муаммолар ҳам сақланиб қолаётганлиги кузатишмоқда.

Хусусан, соҳада молиявий интизомни мустаҳкамлаш ҳамда мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш ҳолатларига чек қўйиш мақсадида ички назорат механизмларини тубдан қайта қўриб чиқиш ва қучайтириш зарурати мавжуд.

Таҳлиллар қурилиш объектларида хавфсизлик техникаси талабларига қатъий риоя этиш ва инсон ҳаётини муҳофаза қилиш энг устувор вазифа эканини кўрсатмоқда. Шу сабабли бу борада назорат тизимини такомиллаштириш бўйича вазирлик зиммасига қатъий вазифалар қўйилиши таъкидланди.

Соҳада аҳолидан келиб тушаётган

шикоятларни қўриб чиқиш самарасизлиги борасида кескин эътирозлар билдирилиб, фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлашда бюрократик тўсиқларни бартараф қилиш зарурлиги қайд этилди.

Маъна эскирган айрим шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини халқро стандартлар асосида тезкорлик билан ташаббус ўтказиш ва янгилаш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, парламент сўровида вазирликдан коррупцияга чек қўйиш, давлат харидларида шаффоқлиқни таъминлаш, қурилиш сифатини назорат қилиш ва ишчилар учун хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш бўйича



қўрилаётган чора-тадбирлар юзасидан асосланган қорар тушунириш бериш талаби қўйилди.

Муҳокама якунлари юзасидан Сенатнинг тегишли парламент сўровини юбориш тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенатининг ялпи мажлисида Вазирлар Маҳкамасига мамлакатимизда табиий, техноген ва экологик хусусиятли фавқулодда вазиятлар мониторингини ҳолати юзасидан парламент сўрови юбориш масаласи қўриб чиқилди.

Мажлисда таъкидланганидек, сўнгги йилларда аҳоли ва худудларни табиий офатлар ҳамда техноген авариялардан муҳофаза қилиш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, соҳани ривожлантиришга қаратилган қатор фармон ва қарорлар қабул қилиниб, фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тизими янги босқичга олиб чиқилмоқда.

Шу билан бирга, амалга оширилган таҳлиллар соҳада қатор тизимли муаммолар сақланиб қолаётганини кўрсатди. Жумладан, фавқулодда вазиятлар мониторингини, ахборот алмашуви ва прогнозлаш тизимини тўлиқ йўлга қўйиш, идораларо интеграцияни таъминлаш, илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ҳамда малака кадрлар билан таъминлаш масалалари долзарблигига қолмоқда.

Қайд этилганидек, 2025 йил давомида мамлакатимизда 82 та фавқулод-

да вазият юз бериб, улар оқибатида инсонлар ҳалок бўлган ва жароҳатланган. Шунингдек, ёнгинлар ва газ-ҳаво аралашмалари қақнаши билан боғлиқ ҳолатлар сони ҳам ошгани ташвиш уйғотмоқда.

Сенаторлар ўз чиқишларида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, уларни барвақт аниқлаш ва оқибатларини камайтириш бўйича ишлар самарадорлигини ошириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди.

Муҳокама якунида Сенатнинг Вазирлар Маҳкамасига мамлакатимизда табиий, техноген ва экологик хусусиятли фавқулодда вазиятлар мониторингини ҳолати юзасидан парламент сўрови юбориш тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Парламент юқори палатасининг 15-ялпи мажлисида Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Бола ҳуқуқлари бўйича омбудсманининг) 2025 йилда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томони-

дан риоя этилиши ҳолати ҳақидаги маърузаси муҳокама қилинди. Таъкидланганидек, 2025 йилда Болалар омбудсмани номига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий давлатлар фуқаролари ва омбудсманлари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, жамоат ташкилотлари ва бошқа юридик шахслар томонидан 1 934 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 509 таси ижобий ҳал қилинган ҳамда 708 таси бўйича ҳуқуқий тушуниришлар берилган.

Мурожаатлар энг кўпи Тошкент шаҳри (470 та), Сурхондарё (254 та) ва Тошкент вилоятлари (236 та) ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, 2025 йилда Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг 35 та шахсий қабулида 141 нафар фуқаро мурожаати қўриб чиқилган.

Мурожаатлар таҳлили ва мониторинг фаолияти асосида давлат органлари томонидан бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишига йўл қўйилганлиги юзасидан 3 та оғохлантириш, 6 та тақдимнома, 25 та ҳулоса ва 3 та суд ҳужжати устидан проект келтириш тўғрисида илтимоснома киритилган.

Мурожаатларнинг ўрганиш натижасида аниқланган болаларга нисбатан содир этилган зўравонлик ҳолатлари юзасидан 19 та жиноят иши ҳамда 26 та маъмурий иш қўзғатилган. Бундан ташқари, 20 та жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақида қарор

бекор қилиниб, қўшимча терговга қадар текширув олиб бориш учун юборилган.

Интернет тармоғида ўтказилган мониторинг натижасида аниқланган бола ҳуқуқларининг бузилишига оид ҳолатлар юзасидан 23 та жиноят иши ҳамда 28 та маъмурий иш қўзғатилиши таъминланган.

Таълим муассасаларида болага жисмоний жазо қўллангани, ўз касбий фаолиятига совуққонлик билан қараганлиги учун 15 нафар педагог ходимга маъмурий жазо, болага қўпол муомалада бўлганлиги учун эса 6 нафар педагог ходимга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилган. Шунингдек, болага оид қонунчилик бузилишига йўл қўйганлик учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг 2 нафар ходимига нисбатан интизомий жазо белгиланган.

Сенаторлар томонидан бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасидаги ислохотлар ҳамда бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка давлат органлари томонидан риоя этилиши юзасидан қатор фикр ва тақлифлар билдирилди.

Муҳокама якунида Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Сенатнинг 15-ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масала қўриб чиқилди.

Олий Мажлис Сенатининг мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорига муровиқ Кахрамон Мирсафеев ва Махфират Очилова ўн йиллик муддатга Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимига сайланди.

Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан И. Болтаходжаева, Б. Исраилов, Г. Парпиева, Ж. Расуллов, Н. Расуллов, Н. Раҳмонов, шунингдек, ўз арзасига биноан Ш. Болиев, Б. Тангабаев, Н. Хаджиматов Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимидан озод этилди.

Парламент юқори палатаси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорларини тасдиқлаш масаласини ҳам муҳокама қилди ва Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Ялпи мажлисда жамият ҳаётининг барча соҳалар ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарадорлигини оширишга, халқро ҳамкорлиқни ривожлантиришга қаратилган 20 та масала, шу жумладан, 15 та қонун қўриб чиқилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати.

ТАДБИРКОРЛАР ҲИМОЯСИГА ҚАРАТИЛГАН ЯНА БИР ҲУЖЖАТ

Олий Мажлис Сенатининг 15-ялпи мажлисида "Рақамли маркировкалаш тизимининг самарадорлиги оширилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Муносабат

Қонун билан маҳсулотларни мажбурий маркировкалаш қоидаларига риоя этилиши юзасидан солиқ текширувини солиқ тўловчининг ҳузурига бормасдан амалга оширишни назарда тутуви қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Хусусан, Солиқ кодексига илгари бу мазмундаги норма мавжуд эмаслиги сабабли масофавий солиқ текшируви алоҳида назорат шакли сифатида белгиланган. Текширув маркировкалаш қоидаларини бузиш ҳолатлари

солиқ органларининг ахборот тизими орқали аниқланган тақдирдагина ташкил этилади.

Масофавий солиқ текшируви ўтказиш тўғрисидаги низоом эса Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Масофавий солиқ текшируви мажбурий рақамли маркировкалаш қоидаларига риоя этмаган солиқ тўловчининг шахсий кабинетига солиқ органлари томонидан икки марта расмий оғохлантириш юборилганидан сўнг ўтказилади.

Солиқ органи текширув материаллари қўриб чиқиладиган сана, вақт ва жой тўғрисида солиқ тўловчини уларни қўриб чиқиш бошланғичи



Қобил ТУРСУНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари.

қадар камида икки иш кунини олдин хабардор қилади. Текширув далолатномаси солиқ тўловчининг шахсий кабинетига электрон ҳужжат тарзида юборилган кун масофавий солиқ текшируви мuddатининг тугаган кунини ҳисобланади.

Солиқ тўловчининг илтимосномаси ёки солиқ органининг ташаббуси билан текширув материаллари видеоқонференцалоқа режимида қўриб чиқилиши ва унинг аудио-визуал тартибда ёзиб олинган шакли солиқ тўловчига шахсий кабинет орқали етказиб берилиши мумкин.

Масофавий солиқ текшируви натижалари бўйича қабул қилинган қарор унинг шахсий кабинетига орқали юборилган кундан эътиборан бир ой ўтган кунга қиради.

Қонун билан товарларни ишлаб чиқарувчилар, импорт қилувчилар ва сотувчилар томонидан идентификация воситалари орқали мажбурий рақамли маркировкалаш қоидаларини бузиши ҳолатлари бўйича молиявий жавобгарлик чоралари ҳам белгиланмоқда.

Қонун аҳолини қалбаки ва контрафакт маҳсулотлардан холи, сифатли ҳамда ишончли маҳсулотлар билан таъминлаш, яширин иқтисодиёт улусини янада қисқартириш, ҳалол ва инсофли тадбиркорларимизга соф рақобат муҳитини яратиш ҳамда солиқ тўловчилар учун солиқ юқини камайтиришга хизмат қилади.

Қобил ТУРСУНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари.

ИЖТИМОЙ АДОЛАТНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ



Зотан, ижтимоий адолат, аввало, инсон қаерда яшаيدан қатъи назар, тенг имкониятларга эга бўлиши билан ўлчанади.

"Янги Ўзбекистон" массивларининг мамлакатимизнинг барча ҳудудда барпо этилаётгани, шубҳасиз, худудий адолатни таъминлаш йўлидаги изчил ва амалий қадамдир.

Давлатимиз раҳбарининг "Ақли ва хавфсиз шаҳарлар альянсини" ташкил этиш ташаббуси ҳам бутунги давр талабларига тўла мос келади. Рақамли технологиялар шаҳар бошқаруви ниҳоятда муҳим. "Яшил макон", "Тоза ҳаво" дастурлари ҳамда шаҳарларда яшиллик даражасини ошириш бўйича белгиланган вазифалар бугунги ва келажак авлодлар салооматлигини қучайтириш борасида тизимли ишлар олиб борилиши муҳим аҳамият касб этади.

Экологик барқарор шаҳарлар масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилгани ниҳоятда муҳим. "Яшил макон", "Тоза ҳаво" дастурлари ҳамда шаҳарларда яшиллик даражасини ошириш бўйича белгиланган вазифалар бугунги ва келажак авлодлар салооматлигини қучайтириш борасида тизимли ишлар олиб борилиши муҳим аҳамият касб этади.

Шу маънода, БМТ-Ҳабитатнинг "Яшил шаҳар" халқро мукофотини таъсис этиш ташаббуси нафақат рамзий, балки чуқур

Робохон МАҲМУДОВА, Олий Мажлис Сенатининг "Адолат" СДП фракцияси раҳбари.

ОИЛА БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ЯНГИ НОРМАЛАР

Юртимизда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик тизими босқичма-босқич модернизация қилинмоқда. Амалдаги ҳуқуқий механизмлар болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш, уларнинг таълим олиш, тиббий хизматлардан фойдаланиш ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимидан тенг фойдаланишини таъминлашга хизмат қилапти.

Фикр

Шу билан бирга, оилавий муносабатларда ҳам боланинг фикрини инобатга олиш, унинг манфаатларини устувор қўйиш таъмоилини кенг жорий этилмоқда. Бу ёндашув БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясида белгиланган халқро стандартларга ҳамохан бўлиб, миллий қонунчиликнинг халқро меъёлар асосида изчил такомиллашгаётганини кўрсатади.

Сенатнинг 15-ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига бола ҳуқуқларининг кафолатларини янада қучайти-

ришга ҳамда таъзиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун қўриб чиқилди.

Мазкур ҳужжат инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, айниқса, болалар ва хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг манتيқий давоми сифатида эътироф этилмоқда.

Қонун билан қатор муҳим янгиликлар назарда тутилган. Аввало, "боланинг энг устувор манфаатлари" тўшунчасига ҳуқуқий мақом берилмоқда. Бу эса болага оид ҳар қандай масалада, аввало, унинг манфаатлари устувор



аҳамият касб этишини аниқлашди. Мазкур норма суд, давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар фаолиятида инсонпарварлик ва адолат

таъмоилларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шунингдек, Оила кодексига киритилаётган ўзгартиришларга кўра, оилавий муносабатларда боланинг ўз фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқини таъминлаш ҳамда болани фақат ҳимомга муҳтож субъект сифатида эмас, балки фикри ва қарашини инобатга олинадиган шахс сифатида тан оlishга ҳисса қўшади.

Қонунда таъзиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни ҳимоя қилиш механизмларини қучайтиришга ҳам алоҳида эътибор

қаратилган. Хусусан, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига ушбу тарафдаги фуқаролар манфаатларини ҳимоялаш мақсадида судларга давлат божи тўлашдан мурожаат қилиш, шунингдек, суд жараёнида вакил орқали иштирок этиш ҳуқуқи берилмоқда.

Бундан ташқари, зўравонликдан жабрланган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими ҳам такомиллаштириляпти. Уларни махсус марказларга жойлаштириш тартиблари аниқ белгиланиб, бундай марказларда бўлиш даврини меҳнатга лаёқатсизлик варақаси бериш учун асос сифатида тан олиш амалиёти жорий этилмоқда. Бу эса ижтимоий кафолатлар янада кенгайтирилаётганидан далолат беради.

Таъкидлаш жоизки, мазкур қонун болалар ва хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоялаш тизимини янги босқичга олишга хизмат қилади. Энг муҳими, "боланинг энг устувор манфаат-

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИ КАФОЛАТИ

Жумладан, энди ижара тўловлари, кўп квартиралар уйларидаги жойларнинг мулкдорларидан мажбурий бадаллар ва тўловлар, коммунал ва алоқа хизматлари бўйича қарздорликни ундириш билан боғлиқ талабларнинг миқдори базавий ҳисоб бўлган тақдирда суд томонидан буйруқ тартибда қўриб чиқилади. Мазкур миқдордан кам бўлган нисосиз талабларга доир ишлар эса нотариуслар томонидан қўриб чиқилади.

Лойиҳа билан "Давлат божи тўғрисида"ги Қонунда ижро хатларини ёзиб берганлик учун ундирилмаган сумманинг миқдори нотариус томонидан бундай нотариал ҳаракатни амалга оширганлик учун сарфланмаган ҳақиқий харажатлар миқдорига мувофиқлаштирилмоқда.



Муҳаммад ВАЛИЕВ, Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзоси: — Қонун лойиҳасининг аҳамияти томонига тўхталганда бўлса, унинг энг муҳим жиҳати — нисосиз талабларни ҳал этиш тартибини соддалаштириш. Бу орқали фуқаролар ва тадбиркорлар ортиқча овозгарчиликларсиз, қисқа муддатда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имконига эга бўлади. Нисосиз ишлар бўйича айрим талабларнинг нотариуслар томонидан қўриб чиқилиши судларнинг иш ҳажмини камайтиради. Натижада судлар мураккаб нисозларни қўриб чиқишга кўпроқ вақт ва ресурсларга эришади. Ушбу ҳужжат суд тизими самардорлигини ошириш, нотариал хизматлар сифатини яхшилаш ҳамда нисосиз талабларни ҳал этишда кулай ва тезкор механизм яратишга хизмат қилади.

Муҳаммад ВАЛИЕВ,
Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзоси:
— Қонун лойиҳасининг аҳамияти томонига тўхталганда бўлса, унинг энг муҳим жиҳати — нисосиз талабларни ҳал этиш тартибини соддалаштириш. Бу орқали фуқаролар ва тадбиркорлар ортиқча овозгарчиликларсиз, қисқа муддатда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имконига эга бўлади. Нисосиз ишлар бўйича айрим талабларнинг нотариуслар томонидан қўриб чиқилиши судларнинг иш ҳажмини камайтиради. Натижада судлар мураккаб нисозларни қўриб чиқишга кўпроқ вақт ва ресурсларга эришади. Ушбу ҳужжат суд тизими самардорлигини ошириш, нотариал хизматлар сифатини яхшилаш ҳамда нисосиз талабларни ҳал этишда кулай ва тезкор механизм яратишга хизмат қилади.



Муҳомадалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Давлат чегарасини бузганлик учун жавобгарлик кучайтирилади

Давлат чегарасини муҳофаза қилиш ва унинг дахлсизлигини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда обдан муҳокама қилинди.

Ҳужжат билан Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилмоқда.

Лойиҳага мувофиқ, ер остида ноқонуний барпо этилган иншоотлар, туннеллар ёки бошқа инфратузилма объектларидан фойдаланган ҳолда содир этилган бошқона қонунчилигини бузиш ҳолатлари оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгиланмоқда.

Шунингдек, бундай иншоотлар ва туннеллар орқали қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш, Ўзбекистон Республикасига кириш ёки давлат чегарасини кесиб ўтиш ҳолатлари учун ҳам жавобгарлик кучайтирилади.

Қонун лойиҳасида давлат чегараси орқали ер остида ноқонуний иншоотлар ва туннеллар қурилишига ёки бошқа инфратузилма объекти барпо этилишига била туриб шарт-шароит яратиш, улардан фойдаланиш, шунингдек, ушбу фаолиятни молиялаштириш учун алоҳида жинойий жавобгарлик белгиланмоқда.

Гулчехра ТОҶИБОЕВА, Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси аъзоси:

— Мазкур қонун лойиҳаси бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга бўлиб, мамлакат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, давлат чегараси орқали содир этиладиган ноқонуний ҳаракатларнинг олдини олиш, бошқона қонунчилиги бузилишига қарши таъсирчан ҳуқуқий механизмларни кучайтиришга қаратилган.



Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қўллаб-қувватланади

Депутатлар аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасининг иккинчи ўқишда моддама-модда қўриб чиқди.

Қонун лойиҳаси билан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини халқаро стандартлар асосида янада мустаҳкамлаш, уларнинг одил судловдан тўлиқ ва тенг фойдаланишини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини манзилли ва самарали ташкил этиш назарда тутилмоқда. Хусусан, лойиҳада "Ижтимоий реестр"га киритилган оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ягона механизмининг жорий этиш тақдирини қўриб чиқилмоқда.

Унга мувофиқ ижтимоий хизматлар, нафақалар, имтиёзлар ва бошқа кафолатлар "Ижтимоий реестр"га киритилган оилаларга тақдим этилади. Бундан ташқари, Солиқ кодексига ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлашни рағбатлантирувчи қатор имтиёзлар киритилмоқда. Жумладан, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган юридик шахслар учун ижтимоий солиқ ставкаси 1 фойиз этиб белгиланмоқда. Ногиронли-

ги бўлган ходимларга ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ айрим харажатларни солиқ базасидан чегирани назарда тутилмоқда.


Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар меҳнат қилаётган корхоналар учун мол-мулк ва ер солиғи бўйича қўшимча энгилликлар бериш тақдирини қўриб чиқилди. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ҳудудий бўлиmlарига ортиқча тўланган нафақаларни ундириш юзасидан судга мурожаат қилишда давлат божини тўлашдан озод этиш белгиланяпти.

Мажлисида қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида қатор тахририй ва юридик тузатишлар киритилган, айрим нормалар депутатларнинг тақлифлари асосида такомиллаштирилгани қайд этилди.

Муҳомадаларда қатор савол ва тақлифлар ўртага ташланди.

Шухрат ЁҚУБОВ, "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:

— Қонун лойиҳасининг 22-моддасида "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги Қонуннинг 6 ва 18-моддаларининг биринчи қисмидаги тақликлари" деган сўздан кейин "ва қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади" деган сўзлар билан тўлдириб тақлиф этилмоқда. Фиримизча, ушбу ҳужжатга бундай тахрирда қўшимча киритиш зарурати мавжуд эмас. Чунки юқоридаги Қонуннинг 45-моддасида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик белгиланган. Ушбу ҳолатда жавобгарлик умумий тарзда мазкур нормалар билан белгиланади. Шу боис бу қўшимчаларнинг ортиқча юки бўлмаганлиги учун чиқариб ташлашни тақлиф қиламан.



Бу бўйича сиёсий партиялар фракциялари аъзолари, қонун ташаббускорлари ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш ўрди. Қизгин муҳомадалардан сўнг депутат тақлифи қўллаб-қувватланди.

Мажлисида қонун лойиҳаси ижтимоий эҳтиёжман аҳоли қатламлари учун қўшимча имкониятлар яратиши алоҳида таъкидланиб, учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Нуксонли товарни алмаштириш тартиби аниқ белгилаб қўйилмоқда

Мажлисида "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Ушбу қонун лойиҳаси истеъмолчиларнинг қонуний манфаатларини янада ишончли ҳимоя қилиш, айниқса, нуксонли товарларни алмаштириш жараёнидаги ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этишга қаратилган.

Қайд қилинганideк, амалдаги қонунчиликда нуксонли товарни алмаштириш жараёнида товар сифатини қўшимча текшириш асослари ва тартиб-таомиллари аниқ белгиланмаган. Бу айрим ҳолатларда товарни алмаштириш муддатининг асосиз қўзилишига, натижада эса истеъмолчиларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Қонун лойиҳаси билан "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 14-моддаси тегишли нормалар билан тўлдирилмоқда. Унга қўра, истеъмолчи товарнинг ишлаб чиқарилиши, тизилиши ёки таркибига оид камчиликларни аниқлаш тақдирда, сотувчи ёки ишлаб чиқарувчи айнан шундай марказли товар мавжуд бўлса, уни дарҳол алмаштириб бериш шарт бўлади. Амалдаги тартибга қўра, 7 кун ичида алмаштирилиши белгиланган.

Лойиҳада қўшимча текшириш ўтказиш асослари ҳам аниқ белгилаб қўйилмоқда. Жумладан, товардаги нуксонлар истеъмолчи товар реализация қилингандан кейин сақлаш ёки фойдаланиш қоидаларининг бузилиши ёхуд учинчи шахсларнинг ҳаракатлари натижада келиб чиққан бўлиши мумкинлигини ташқи қўринишидан аниқлаш имкони бўлмаган ҳолатларда қўшимча текширув ўтказилади.

Махсулот сифатини қўшимча текшириш билан боғлиқ харажатлар сотувчи ёки ишлаб чиқарувчи томонидан қопланади. Бироқ текшириш натижасида товарда нуксон мавжуд эмаслиги ёки нуксон истеъмолчининг қоидаларни бузиши ёхуд учинчи шахслар ҳаракати оқибатида келиб чиққанлиги аниқланса, ушбу харажатлар истеъмолчи томонидан қопланиши белгиланмоқда.

Ҳужжатда истеъмолчининг ҳуқуқлари ҳам аниқ белгилаб қўйилляпти. Хусусан, у шахсан ёки ўз вакили орқали товар нуқсонининг келиб чиқиш сабабларини текшириш жараёнида иштирок этиш, текширув вақти ва жойи ҳақида олдиндан хабардор қилиниши ҳамда ўз маблағлари ҳисобидан мустақил текширув ўтказиши талаб этиш ҳуқуқига эга бўлади. Мажлисида қонун лойиҳаси биринчи ўқишда

қабул қилинганидан сўнг унга масъул — Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари кўмитаси тақлифига қўра, ушбу ҳужжат иккинчи ўқишда моддама-модда қўриб чиқилди. Қатор саволлар ўртага ташланди.

Жумладан, "Адолат" СДП фракцияси аъзолари "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 14-моддаси биринчи қисмига киритилаётган қўшимча нормалар, яъни "агар айнан

шундай марказли (моделли, артикулли) товар унда мавжуд бўлса" деган жумла мантиқан тўғри эмаслиги ва бу амалиётда истеъмолчилар зарарига ишлани мумкинлигини қайд этди. Шунингдек, ушбу модданинг бешинчи қисмида "Айни шундай марказли (моделли, артикулли) товар бўлмаган тақдирда, истеъмолчининг алмаштириб бериш хусусидаги талаби даъво қилинган пайтдан эътиборан бир ой ичида қондирилиши керак" мазмундаги норма мавжудлиги, агар ҳақиқатда ҳам сотувчида бундай марказли товар бўлмаса, шу қисм тартибга солиниши кераклиги таъкидланди.

Мажлисида бу бўйича қизгин фикр-мулоҳазалар билдирилди. ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари қўмата тахририни қўллаб-қувватлаб, "Товар мавжуд бўлса" деган жумлани чиқариб ташлаш ҳуқуқий зиддият келтириб чиқариши билдириди. Уларнинг таъкидлашича, бу ҳолда модданинг биринчи ва бешинчи қисмлари ўзаро қарама-қарши бўлиб қолади.

Қизгин тортишувлардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари муҳофаза қилинади

Депутатлар "Шахсга доир маълумотлар алмашинуви соҳасидаги маъмурий масалалар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Битимни (2020 йил 18 декабрь) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини қўриб чиқди.

Таъкидланганideк, сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокида давлатлари билан сиёсий, иқтисодий, маданий ва хавфсизликка оид ҳамкорлик алоқалари мувафақиятли тарзда ривожланмоқда.


Ушбу қонун лойиҳасида Шахсга доир маълумотларни алмашинуви Маъмурий масалалар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Битимни (2020 йил 18 декабрь) ратификация қилиш назарда тутилмоқда.

Битимга мувофиқ ҳар бир томон бошқа томоннинг сўровига қўра миллий қонунчилик ва ушбу Битим қоидаларига қўра шахсга доир маълумотлар алмашинуви соҳасидаги маъмурий масалалар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатади.

Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги сўровнинг предмети бўлиб фуқароликнинг мавжудлиги, томонлар ҳудудларида доимий (вақтинчалик) бўлиш (яшаш) ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар мавжудлиги, шахсларнинг миграция рўйхатига олинмиши ёки яшаш бўйича ҳисобга олинганлиги, шахс номидаги рўйхатга олинган кўчмас мулк ва шахсларнинг мулкий хусусиятидаги мажбуриятлари, шахснинг жинойий ёки маъмурий жавобгарликка тортилганлиги тўғрисида, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларга оид шахсга доир маълумотлар ҳисобланади. Сўровлар сўралаётган томоннинг миллий қонунчилиги ва мазкур Битим қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Хушрақ ҲАЙИТОВ, Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси аъзоси:

— Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши МДҲ иштирокчи-давлатлари ўртасида шахсга доир маълумотлар алмашинувининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлайди.



Энг муҳими, фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мулкий ҳамда шахсий ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, шунингдек, ҳуқуқий муносабатларда шахсга доир маълумотлар муҳофазасини таъминлашга хизмат қилади.

Муҳомадалардан сўнг қонун лойиҳаси қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Давлат архитектура назорати қай даражада базарилмоқда?

Депутатлар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Ш. Хидоятнинг "Аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларига шаҳарсозлик фаолияти субъектлари томонидан риоя этилиши устидан давлат архитектура назоратини амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида"ги парламент сўровига берилган жавобини ҳам қўриб чиқди.

Унда келтирилишича, давлат архитектура назоратини самарали амалга ошириш мақсадига 2025 йилда вазирилик марказий аппаратида Давлат архитектура назорати департаменти ташкил этилган. Утган давр мобайнида департамент томонидан муайян ишлар амалга оширилган.

Департамент томонидан 2025 йил якунига қадар 640 та, жорий йил ҳолатига 520 та,

жами 1160 та ўзбошимчилик билан қурилган бино ва иншоот аниқланган. Шундан, 1110 та объектга оғохлантириш хати берилиб, маъмурий жавобгарлик чоралари қўланган. 118 таси ҳозирги кунда бартараф этилган бўлса, 65 таси бўйича мажбурий буздириш ҳақида судга даъво аризаси киритилган.

Назорат тизимини рақамлаштириш мақсадида вазирилик томонидан "Shaffof qurilish" миллий ахборот тизимида ўзбошимчилик билан қурилган бино ва иншоотларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича автоматлаштирилган тизим яратилди. Мазкур тизим Адлия вазириликнинг "Notarius", Ички ишлар вазириликнинг "E-ma'muriy ish", Олий суднинг "Adolat", Кадастр агентлигининг "UzKad" ахборот тизимлари билан интеграция қилинган.

Парламент сўровига келган жавобда қайд этилганideк, Давлат архитектура назорати департаменти ҳамда туман ва шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлиmlари ходимлари 232 та махсус планшет воситалари билан таъминланган.

Шунингдек, вазирилик томонидан ўзбошимчилик билан қурилган бино ва иншоотларни аниқлаш, бартараф этишда жамоатчилик иштирокини самарали ташкил этиш мақсадида "Огоҳ фуқаро" ахборот тизими яратилган бўлиб, у орқали ўзбошимча қурилиш олиб борилаётган ҳолатлар тўғрисида хабар бериш имкони яратилди.

Депутатлар ушбу йўналишда вазирилик томонидан муайян ишлар амалга оширилгани, шу билан бирга, шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига қатъий риоя этилишини таъминлаш, ноқонуний қурилишларнинг олдини олишда профилактика ва превентив чораларни қучайтириш, "Огоҳ фуқаро" ахборот тизимини янада оммалаштириш юзасидан тегишли тавсиялар берди.

Мажлисида мазкур масала юзасидан тизимли парламент назорати олиб борилиши қайд этилиб, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилик жавоби маълумот учун қабул қилинди.

Ички ишлар вазирининг жавоби қўриб чиқилди

Мажлисида ички ишлар вазирининг "Автомобиль йўлларидидаги фото ва видео қайд этиш техника воситаларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашдаги самардорлиги ҳамда йўл ҳаракати соҳасига ахборот технологияларини жорий этиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги парламент сўровига жавоби ҳақидаги масала ҳам қўриб чиқилди.

Таъкидланганideк, Қонунчилик палатаси депутатларининг сайлов округларида фуқаролар билан ўтказган мулоқотлар ва учрашувлари давомида транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан содир этилган қоидабузарликларни аниқловчи фото ва видео қайд этиш техника воситалари ҳамда кўча фотодарзаларнинг фаолияти, сунъий йўл нотекисликларни ўрнатилган белгиланган стандартларга риоя этилмаётгани борасида билдирилган айрим эътирозлардан келиб чиқиб, ички ишлар вазирига парламент сўрови юборилган эди.

Хусусан, парламент сўровида йўл чиқиқларини чизиш, йўл инфратузилмасини ривожлантириш йўналишидаги лойиҳаларни молиялаштириш борасида амалга оширилган ишлар, фото ва видео қайд этиш техника воситаларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашдаги самардорлиги ва натижадорлиги, сунъий йўл нотекисликларини ўрнатилган белгиланган мейёр ва стандартларга риоя этилишини таъминлаш юзасидан амалга оширилган ишлар, йўл ҳаракати иштирокчиларининг хавфсиз ва эркин ҳаракатига тўқсиллик қилувчи ноқонуний сунъий тўсиқлар ҳамда бошқа турдаги қурилмаларни ўрнатилган ҳолатлари бўйича аниқланган қонунбузилишлар каби масалалар бўйича тушунтириш бериш сўралган.

Вазирилик маълумотига қўра, 2022 — 2025 йилда 78 844 та янги йўл белгилари ўрнатилиб, 49380 та йўл белгилари янгисига алмаштирилган ҳамда 1081 та светофор объекти янгида қурилган. Шунингдек, 20 млн. 728 минг кв.м йўлда ётқ қиқилари чизилган.

Ҳозирги кунда республикамиз бўйича 5425 та фото ва видео қайд этиш техника воситалари ўрнатилган. Бунда йўл-транспорт ҳодисаларининг кунлик, ҳафталик, ойлик, чораклик, йиллик горизонтал ва вертикал шаклдаги таҳлиллари, шунингдек, ҳаракат интенсивлиги, йўл инфратузилмаси ҳолати, пидедалар ва транспорт оқими юқори бўлган ҳудудлар ўрғанилган ҳолда, аҳоли мурожаатлари ҳамда мутасадди ташкилотларнинг ҳулосалари каби омиллар инноватга олинган.

Натижада жорий йилнинг тўрт ойида йўл-транспорт ҳодисалари 17,7 фойизга камайишига эришилган. Йўллар ва кўчаларга ўзбошимчилик билан асосиз ўрнатилган йўл белгилари ҳамда сунъий нотекисликларни аниқлаш бўйича ўтказилган хатлов натижалари бўйича 132 та ҳаракатни чекловчи йўл белгилари ҳамда 202 та тўхташ ва тўхтаб туриш ҳақидаги йўл белгилари олиб ташланган.

Бундан ташқари, йўлларда ноқонуний ўрнатилган жами 203 та турли тўсиқлар ҳамда 308 та сунъий нотекисликлар бартараф этилган.

Депутатлар томонидан мазкур соҳадаги ишларни изчил давом эттириш, хусусан, йўл инфратузилмасини яхшилаш, фото ва видео қайд этиш қурилмалари орқали ҳуқуқбузарликларни аниқлашда хатлоқларга йўл қўйилишининг олдини олиш, ноқонуний ўрнатилган сунъий тўсиқларни олиб ташлаш ишларини жадаллаштириш каби долзарб масалалар бўйича чораларни қучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Мажлисида мазкур масала юзасидан тизимли парламент назорати олиб борилиши қайд этилиб, вазирилик жавоби маълумот учун қабул қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Матбуот хизмати.

IPO

2 МИЛЛАРД

400 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК

ДАВЛАТ АКТИВЛАРИ –

ЛОНДОН ФОНД БИРЖАСИДА

— Мазкур "IPO" Ўзбекистон компанияларининг дунё миқёсидаги илк оммавий қадами бўлиб, турли даражадаги инвесторлар учун янги уфқларни очди. Бу глобал иқтисодийда ўзбекистонлик мутахассислар салоҳиятига ишонч янада ошаётганига яна бир мисол, — деди "Templeton Global Investments" компаниясининг минтақавий директори Мариус Дан.

Киргизистоннинг собиқ бosh вазири Жоамарт Оторбаев Ўзбекистон Миллий инвестиция жамғармасининг бир халқаро "IPO"сини бутун Марказий Осиё учун "бурилиш нуқтаси" деб баҳолади. Унинг фикрича, бу муҳим сигнал — Ўзбекистон — глобал инвесторлар учун очик ва ишончли бозор. Унинг таъкидлашича, бошқарувни "Franklin Templeton"га ўтказиш, айниқса, муҳим бўлиб, инвесторларнинг шарофлик ва сиёсий аралашув ҳақидаги хавотирларини камайтиради. Кузатувчиларнинг фикрича, агар лойиҳа узоқ муддат муваффақиятли давом этса, бу ўз-ўзидан нафақат Ўзбекистонга, балки бутун минтақага муносабатни тубдан яхшилайдди. Узоқ

тизимлар ислоҳ қилинмоқда. Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишга тайёргарлик доирасида биргина 2025 йилда 68 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат халқаро стандартларга мослаштирилди. Экспорт жараёни соддалаштирилди, қатор чекловлар бекор қилинди, тадбиркорлар учун техник ва бюрократик тўсиқлар сезиларли даражада қисқартирилди. Бу борадаги ишлар эса бугун халқаро майдонда ўз натижасини яққол кўрсатди.

Дарвоқе, аввалроқ Миллий инвестиция жамғармаси ўзининг акцияларини бир халқаро оммавий тақлиф ("IPO") қилиши муваффақиятли бошлагани ва бунинг натижасида компания акциялари улушининг 31 фойизи 603,6 миллион долларга сотилгани маълум қилинган. Ушунда акцияларнинг тақсимланиши ҳам маҳаллий, ҳам хоржий инвесторлар учун кенг имкониятлар тақдим қилди; дастлабки дақиқалардаёқ Тошкент фонд биржасида жами сотувга чиқарилган акцияларнинг қарийб 3 фойизи (47,9 млн. дона) ўз харидорларини топди. Халқаро бозор — Лондон фонд биржасида 1,5 триллион донага яқин акциялар глобал

“**Авалроқ Миллий инвестиция жамғармаси ўзининг акцияларини бир халқаро оммавий тақлиф ("IPO") қилиши муваффақиятли бошлагани ва бунинг натижасида компания акциялари улушининг 31 фойизи 603,6 миллион долларга сотилгани маълум қилинган. Ушунда акцияларнинг тақсимл**

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТ ВА БИРДАМЛИК

— ТУРКИЙ ДУНЁНИНГ ЯНГИ ДАВРДАГИ БОШ ФОРМУЛАСИ

Бу шунчаки технология эмас, бу келажакдаги иқтисодий ўсиш нуқталарини белгилаб берувчи "рақамли суверенитет" пойдеворидир. Минтақанинг аънавий равишда энергия ресурслари (газ, нефть) ва логистикага таянган иқтисодиёти энди "Маълумотлар иқтисодиёти" (Data Economy) билан тўлдирилмоқда. Дата-марказларга тегишли бўлган 6 миллиард долларлик инвестиция Ўзбекистонни минтақанинг "рақамли хаби"га айлантириш учун мустақам пойдевор бўлади.



хужумлардан ҳимоя қилиш учун зарур. Бу альянс туркий давлатларнинг ҳам иқтисодий, ҳам муҳофаза соҳасидаги технологик мувофиқлигини оширади.

Дунёда глобал технологик кучлар ўртасида рақобат ортан бир пайтда туркий давлатларнинг ягона "Рақамли йўлак" ва "Киберхавфсизлик альянси" атрофида янада қўшилган ҳолда туркий давлатлар тарихий ва маданий алоқалар асосида яқинлашиб қўбиланишни намойиш этди.

Эътиборлиси, Ўзбекистон 2019 йилда Туркий давлатлар ташкилотига аъзоликка расман қабул қилинганидан бери тузилма фаолиятини янада ривожлантиришга

ларини камайтириш ва ягона транспорт маконини яратиш масалалари марказий ўрин тутуши беҳиз эмас. Туркий давлатлар ташкилоти — келажакдаги хавф-хатарларга қарши жамоавий қалқон. 2026 йилги Туркистон саммити туркий халқларнинг нафақат маданий, балки сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан бир бутун кучга айланаётганини намойиш этади.

Дунёда кескинлик ортаётган шароитда бундай иттифоқ минтақамизнинг барқарорлиги ва фаровонлиги учун энг муҳим қадамлардан биридир. Андиқор айтганда, XX асрда Европа Иттифоқи инсоният тарихий ва сиёсий ҳаётида, ўзаро дўстона муносабатлар ўрнатилган. Шу сабабли Ўзбекистон учун ташкилот фаолиятини аниқ мазмун билан тўлдирish ўта муҳим. Бошқача айтганда, гап шунчаки рамзий иттифоқ ҳақида эмас, балки сезиларли натижалар бериши керак бўлган жонли механизм ҳақида кетмоқда.

Туркий давлатлар ташкилоти халқаро майдонда барқарорлаштирувчи ва ижобий таъсир кўрсата оладиган нуфузли глобал тузилмага айлангани зарур. Яъни у қўшни давлатлар учун янги имкониятлар эшигини очиб берадиган, кенг ҳудудда бошқаларга таҳдид солмайдиган, аксинча, барча учун тараққийёт ва ҳамкорлик манбаи бўлган мустақам бирлик намунасини намойиш эта олиши керак. Бу эса ўзаро ишонч, иқтисодий интеграция, транспорт ва логистика босқичлиги, энергетик ҳамкорлик ҳамда маданий яқинликка таянган аниқ ташаббусларни ишлаб чиқиш орқали амалга ошади.

Мақсад — улкан демографик саложият, бой иқтисодий ресурслар, геосиёсий имкониятлар ва умумий маданий меросга эга туркий дунёни янги минтақавий ва глобал мувозанатлар шаклланаётган даврда тўлақонли куч марказига айлантириш. Туркий давлатлар ташкилотидан умумий илдишлар, ўзаро қўллаб-қувватлаш, тенг манфаат ҳамда прагматизмга асосланган ҳамкорликнинг муқобил моделини тақлиф қилиш учун ноёб имконият мавжуд.

Лойиҳалар самарадорлиги ошади

Таъкидлаш жоизки, "E-Permit" тизимининг жорий этилиши ва божхона маълумотларининг тўлиқ рақамлаштирилиши Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон ва Ўрта коридор каби лойиҳаларнинг самарадорлигини бир неча бор оширади. Бу минтақани шунчаки транзит йўли эмас, балки юқори тезликдаги рақамли савдо хабига айлантиради.

Президентимиз ташаббуси бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, ягона бир максатда — туркий дунёни асримизнинг интеллектуал ва технологик марказига айлантиришга хизмат қилади. Ушбу стратегиянинг аҳамияти шундаки, у фақат иқтисодий фойдани эмас, балки халқларнинг маданий бирлиги, ёшларнинг келажаги ҳамда минтақавий хавфсизликни ҳам қамраб олган. Агар ушбу ташаббуслар тўлиқ амалга ошса, туркий дунё яқин келажакда жаҳон иқтисодиётида ресурслари билан бирга, СИ етакчилари ва инновация экзитивлари билан ҳам ҳал қилувчи омилга айланади. Яъни интеллектуал саложият ва бирлик, бу — туркий дунёнинг янги даврдаги бош формуласи.

“Сўнги йилларда Туркий давлатлар ташкилоти барқарор ривожланиш суръатларини намойиш этаётган нуфузли тузилмага айланди. Жумладан, 2025 йилда ТДТ давлатлари умумий иқтисодий саложияти 2,4 триллион доллардан ошди ва унинг динамикаси глобал ўсишдан икки баробар юқори бўлди. Утган йили Ўзбекистоннинг ТДТ мамлакатлари билан савдо айланмаси 14 фоиз ўсди.”

қаратилган муҳим ташаббусларни илгари сурди ҳамда ташкилотнинг энг фаол аъзоларидан бирига айланди.

Аҳамият беринг, 2019 — 2025 йиллар давомида Президентимиз томонидан ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилган 116 та ташаббус илгари сурилди. Энг муҳими, бу тақлифлар қорғозда қолиб кетмади, аксинча, уларнинг 64 таси тўлиқ амалга оширилди, қолганлари эса яқини босқичда турибди. Бу кўрсаткич Ўзбекистоннинг туркий маконда интеграция жараёнидаги нисбатан тизимли ва натижага йўналтирилган ёндашувини кўрсатади.


Туркий давлатлар ташкилоти нафақат аъзо мамлакатлар манфаатларига хизмат қиладиган минтақавий платформа, балки халқаро тинчлик, барқарор тараққийёт ва цивилизациялар ўртасидаги мулоқотни мустақамлашга ҳисса қўша оладиган муҳим глобал субъектга айланмоқда. Бу эса ташкилотнинг сиёсий мулоқот, иқтисодий ҳамкорлик, транспорт-логистика босқичлиги, энергетик хавфсизлик ва маданий-гуманитар алоқалар соҳасидаги савб-ҳаракатлари тобора янги босқичга кўтарилаётганини англатади.

Энг муҳими, ТДТ ўзаро ишонч, умумий кадриятлар ва прагматик шерикликка таянган ҳолда кенг минтақادا барқарорлик ва тараққийётни таъминлашга хизмат қиладиган самарали ҳамкорлик модели сифатида халқаро ҳамжамият эътиборини қозонмоқда.

Илҳомжон ТЎХТАСИНОВ, Ўзбекистон давлат тиллари университети ректори, профессор.

ТАЪЛИМ ЯНГИЛИКЛАРИ

ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ФЕСТИВАЛЬ



Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидаги Президент мактаблари жамоалари ўртасида аънавий тарзда "Spirituality, Sport, Science, Socializing" (4S) фестивали ўтказиб келинмоқда. Бу йилги фестиваль ҳам юқас савияда ташкил этилиб, унда Бухоро, Гулистон, Жиззах, Навоий, Нукус, Нурафшон, Қарши, Самарқанд, Термиз, Тошкент ва Хива шаҳарларидаги Президент мактаблари жамоалари қатнашди.

Фестивалда иштирокчилар спорт мусобақаларида куч синшиб, жисмоний тайёргарликларини намойиш этди. Интеллектуал ўйинларда билим ва мантуқий фикрлаш салоҳиятларини синовдан ўтказди. Семинар ва тренингларда янги билим ҳамда тажрибаларга эга бўлди. Маданий чиқишлар орқали миллий кадриятлар, санъат ва ижодкорликни кўрсатди.

Тадбирлар давомида ўқувчилар ўзаро тажриба алмашиб, янги таниш ортириш ва жамоавий ишлаш қўникмаларини ривожлантириш имконига эга бўлди. Энг муҳими, турли шаҳарлардаги Президент мактаблари жамоалари ўртасидаги дўстона алоқалар янада мустақамланди.

Тадбирлар сўнггида турли мусобақа ва лойиҳаларда фаол иштирок этган ўқувчи ва ўқувчиларни эсдалик совғалари билан тақдирланди.

ТАНЛОВНИНГ ФИНАЛ БОСҚИЧИ БОШЛАНДИ



Жорий йилнинг 19 — 22 май кунлари Тошкент шаҳрида "Мирзо Улуғбек ворислари" республика танловининг якуний босқичи ўтказилмоқда.


Танловнинг очилиш маросими кеча Тошкент давлат иқтисодиёт университетиде бўлиб ўтди.

Мазкур билимлар беллашувида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан саралаб олинган 280 нафар иқтидорли ёш ўзининг инновацион гоғялари, стартап лойиҳалари ҳамда ихтирочилик ишланмалари билан қатнашмоқда.

ЎзДЖТУ талабаси **Нигина САЛОҲИДИНОВА** тайёрлади.

ИПАК КҮРТИ ДАРАХТДА ПАРВАРИШЛАНАДИ

Марҳамат туманидаги "Ипак кўчат кластер" фермер хўжалигида пиллачилик соҳасини янги босқичга олиб чиқиш бўйича илганишлар олиб бориляпти. Дала шароитида ипак кўртини боқиш ҳамда ундан юқори сифатли пилла олиш мақсадида Хитойдан "Антерей перний" дарахт кўчатлари келтирилиб, парвариш қилинмоқда.



Тажриба

— Бу дарахтнинг барги ипак кўрти учун яхши озуқа ҳисобланади, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Абдулфаттох Мусулмонқулов. — Бунинг учун ипак кўртининг "Таса" номли ёввойи туридан фойдаланилади. У дарахтда табиий шароитда яшайди ва шоҳига пилла

ўрайди. Ёввойи бўлгани сабабли иқлимдаги ҳар қандай шароит ва ўзгаришларга мослашувчан бўлади. Хитойда кенг тарқалган ушбу усул пилланинг сифати ва ҳосилдорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Қолаверса, харажатлар анча-мунча камайиб, юқори ҳосил олиш имконияти яратилади. Хозирда дарахт кўчатлари мамлакатимиз иқлимига мослаштирилмоқда. Шу йилнинг август ойида ёввойи ипак кўртлари олиб келиш бошланади.

Мутахассисларнинг маълум қилишларича, янги усулда етиштирилган пилла жигаранг бўлиб, ипаги оддий пилла таласига нисбатан анча мустақамдир.

Саминжон ҲУСАНОВ («Халқ сўзи»).

МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

Оҳангарон шаҳридаги саноат зонасида ўтказилган "Миллий саноат занжири" кўргазмаси мамлакатимизда саноат кооперациясини ривожлантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва йирик корхоналар билан тадбиркорлар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган муҳим тадбирлардан бири бўлди.



Кўргазма

Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги, "Олмалик кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамияти ҳамда Электрон кооперация портали ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўргазмада саноат-

нинг турли тармоқлари учун маҳаллийлаштириш имкониятлари, янги ишлаб чиқариш лойиҳалари ва замонавий ҳамкорлик механизмлари кенг намойиш этилди.

Кўргазма доирасида интерфал технологиялардан самарали фойдаланилди. Тоуч панеллар, QR-кодлар, махсус "Telegram бот" ва "B2G" стендлари орқали иштирокчилар корхоналар ҳақида тезкор маълумот олиш, мурожаат ва тақлифлар юбориш ҳамда уларнинг ижросини кузатиш имкониятига эга бўлди.

Интерфал экранларда эришилган келишувларнинг реал вақт режимида намойиш этилиши тадбирнинг очик ва шаффоф руҳда ўтишини таъминлади.

Обтабек ИСРОИЛОВ («Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА

E'OLON

Respublika olimpiya zaxiralari tennis maktabi 2015-2016-yillarda tug'ilgan iqtidorli o'g'il va qiz bolalar o'qishga qabul qilinishini e'lon qiladi.

Qabul umumta'lim maktabida o'qiyotgan yoki 5-sinfga o'tayotgan, viloyat yoki shahar sport boshqarmalari, federatsiyalar va sport maktablarining tavsiyanomalariga ega bo'lgan bolalar orasida amolga oshiriladi. Nomzodlar kamida 2-razryad sport toifasiga ega bo'lishi shart.

Hujjatlarni qabul qilish muddati: 2026-yil 1-iyuldan 31-iyulgacha.

Manzil: 100125, Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani, Yalang'och mavzesi, Respublika olimpiya zaxiralari tennis maktabi.

Tanlov (test sinovlari) boshlanishi: 2026-yil 10-avgustdan boshlab. Qo'shimcha ma'lumot uchun murojaat:

Telefonlar: (97) 380-86-66, (99) 488-39-79.

ТИБИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСINI РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА ҚЎЙИДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Терапия факультети:

1. "Функционал диагностика" кафедраси профессори;
2. "Пульмонология, Клиник аллергия курси билан" кафедраси доценти;
3. "Гастроэнтерология ва физиотерапия" кафедраси доценти.

Педиатрия факультети:

1. "2-акusherлик ва гинекология" кафедраси доценти.

Хирургия факультети:

1. "Тиббий радиология" кафедраси доценти.

Менеджмент, ижтимоий ва бирламчи соғлиқни сақлаш факультети:

1. "Превентив тиббиёт ва валеология асослари" кафедраси катта ўқитувчиси.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел.: (71) 267-60-74

Хукуматнинг тегишли қарори билан ҳар йили октябрь ойига қадар 2 босқичда Алишер Навоий номидаги халқаро ўзбек тили олимпиадаси ташкил этилади.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 23 209 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Гезетанинг кўпмаъража тарғиб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Гезетанинг сўзасиз берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Гезетанинг тахририй компьютер терминали ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан сақланади.

Гезетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислам Каримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи муҳаррир — Р. Бобожонов. Мусафҳих — С. Исламов.

"Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.48 Топшириди — 23.40 1 2 3 4 5 6